
Таништирув

Ёзёвон тумани ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Эралиев Акрамжон Исмоилович

Эралиев Акрамжон 1977 йил 22 мартда Ёзёвон туманида туғилган. Маълумоти олий - Фарғона политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги иқтисодий. Иш фаолиятини 1996 йили фермерлар уюшмасида ҳисобчи бўлиб бошлаган. 1997 йилдан Ёзёвон, Тошлоқ туманларида, Марғилон, Фарғона шаҳарларида солиқ тизимида фаолият олиб борган. 2016 йилдан Тошлоқ пахта заводи директори, Фарғона вилояти пахта саноат МЧЖ раиси, Қува пахта тозалаш заводи директори, 2019-2021 йилларда Қўқон темир йўллари ёқилғи бирлашган омбори Қувасой кўмир омбори мудири вазифаларида ишлаган. Туман ҳокимининг қарори билан Акрамжон Эралиев Ёзёвон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари-- туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи этиб тайинланди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-07-07 12:38:16